

*Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом  
институтини “Ҳадис ва ислом тарихи фанлари”  
кафедраси катта ўқитувчиси Ғиёсов Асқар Тиркашевич*

### **Аннотация**

Аллоҳ таоло имом Бухорийга ўтқир заковат, кучли ҳофиза ва ҳар бир ишни пухта бажариш қобилиятини берган эди. Ушбу илоҳий неъматларнинг аломатлари у зотнинг гўдаклик чоғлариданоқ кўзга ташлана бошлаган эди. Ўн бир ёшли бола бўлатуриб, устозлари Дохийийнинг хатосини тузатганлари ҳам бунга далилдир.

### **Abstract**

God Almighty gave Imam Bukhari a sharp intellect, a strong memory and the ability to do every job carefully. The signs of these divine blessings were visible from his childhood. The fact that he was an eleven-year-old boy and his teachers corrected Dokhili's mistake is a proof of this.

Муҳаммад ибн Абу Ҳотим ўз санади ила Абул Азҳардан ривоят қилади: «Самарқандда ҳадис эшитадиганлардан тўрт юзтаси етти кун жам бўлиб, Бухорийни адаштиришга ҳаракат қилди. Шом санадини Ироқ санадига киритдилар. Ироқ санадини Шом санадига киритдилар. Ҳарам санадини Яман санадига киритдилар. Яман санадини Ҳарам санадига киритдилар. Аммо у кишини санадда ҳам, матнда ҳам бирор оғиз сўзга адаштира олишмади».

«Вафаётул-аён» ва бошқа китобларда қуйидагилар ёзилган:

«Бағдоддаги ҳадис аҳллари Бухорийнинг келганини эшитгач, жамланишди. Юзта ҳадисни олиб, матнлари ва санадларини алмаштиришди. Бир санаднинг матнини бошқа санадга, бир матннинг санадини бошқа матнга қўйишди. Сўнг ўн кишига ўнтадан бўлиб беришди ва имом Бухорий ҳозир бўлганда унга айтиб беришни уларга буюришди. Мажлисга вақт тайин қилинди. Мазкур мажлисда Хуросон ва бошқа тарафлардан келган муҳаддислар ҳам ҳозир бўлишди. Мажлис бошланиши билан ҳалиги ўн кишидан бири мазкур ҳадислардан бири ҳақида сўради. Бухорий: «Буни билмайман», деди. Кейин бошқа ҳадис ҳақида сўради. Бухорий: «Буни билмайман», деди. У бирин-кетин ўнта ҳадис ҳақида сўради. Бухорий: «Буни билмайман», дейишда давом этаверди.

Мажлисда ҳозир бўлганлардан гапга фаҳми етадиганлар: «Бу одам билиб турибди», дейишарди. Бошқалари эса имом Бухорийга ожизлик, нуқсон ва калтафаҳмлиқ нисбатини беришар эди.

Сўнгра ҳалиги ўн кишидан яна бири туриб, алмаштириб қўйилган ҳадислардан бошқа бири ҳақида сўради. Бухорий «Буни билмайман», деди. У бошқаси ҳақида

сўради. Бухорий: «Буни билмайман», деди. Яна бошқаси ҳақида сўради. Бухорий: «Буни билмайман», деди. У бирин-кетин ўнта ҳадис ҳақида сўради. Бухорий: «Буни билмайман», дейишда давом этди. Кейин учинчи, тўртинчи бўлиб, ўн кишининг ҳаммаси ўзларининг алмаштирилган ҳадислари ҳақида сўрашди. Бухорий: «Буни билмайман», дейишдан бошқа гап айтмади.

Бухорий уларнинг саволи тамом бўлганини билганидан кейин биринчи одамга қараб: «Сенинг биринчи ҳадисинг бундай, иккинчи ҳадисинг бундай, учинчиси, тўртинчиси...» деб, аввал бузилган матннинг, сўнг асл матннинг барчасини тўғри айтиб берди. Ҳар бир матнни санадига, санадни матнига тўғри ҳолда қўйиб чиқди. Бошқаларини ҳам шундай қилди. Барча матнларни ўз санадига, санадларни ўз матнига қўйиб чиқди. Шунда одамлар унинг ҳифзига тан бердилар ва фазлини эътироф қилдилар».

Алий ибн Ҳусайн ибн Осим Пойкандий айтади: «Ҳузуримизга Муҳаммад ибн Исмоил келди, атрофида жамландик. Унинг суҳбатидан машойихлардан ҳеч ким четда қолмас эди. Биз унинг олдида баъзи нарсаларни эсладик. Суҳбатдошларимиздан бири: «Мен Исҳоқ ибн Роҳавайҳнинг «Мен ўз китобимда етмиш минг ҳадисни кўряпман», деганини эшитганман», деди. Шунда Муҳаммад ибн Исмоил: «Шунга ҳам ажабланасанми?! Эҳтимол, бу замонда ўз китобида икки юз минг ҳадисни кўрадиганлар ҳам бордир», деди ўзига шама қилиб».

Имом Бухорий бир сафар: «Мен юз мингта саҳиҳ ва икки юз мингта саҳиҳ бўлмаган ҳадисни ёддан биламан», деган эди.

Абдуллоҳ ибн Абдурахмон Самарқандий: «Мен Ҳарамайн, Ҳижоз, Шом ва Ироқда кўп уламоларни кўрганман. Улар ичида Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийдек жамловчисини кўрганим йўқ», дейди.

Имом Бухорий ҳадисларни қуруқ ёд олиш билангина эмас, балки уларни яхши билиши билан ҳам шуҳрат қозонган эдилар. Абу Алий Солиҳ ибн Муҳаммад Асадийдан Бухорий, Абу Зуръа ва Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ҳақида сўрашганида: «Уларнинг ичида ҳадисни энг яхши биладигани Муҳаммад ибн Исмоилдир. Мен ундан кўра фаҳми зўрроқ хуросонликни кўрмадим», деб жавоб берган.

Икки юз қирқ еттинчи йил эди. Муҳаммад ибн Идрис Розий ўз шерикларига: «Ҳузурингизга Хуросондан бир киши келади. У ердан ундан кўра хофизаси кучлироқ одам чиқмаган ва Ироққа ундан кўра илмлироқ одам ҳам келмаган», деди. Ўшандан бир неча ой ўтиб, Муҳаммад ибн Исмоил келди.

Иброҳим Хаввос айтади: «Абу Зуръанинг Муҳаммад ибн Исмоилнинг олдида худди ёш болага ўхшаб ўтириб, ҳадиснинг илллати ҳақида сўраётганини кўрганман».

Имом Бухорий айтадилар: «Муҳаммад ибн Салом менга: «Китобларимни кўриб чиқиб, хатоларини белгилаб бер, токи кейин уларни ривоят қилмай», деди. Айтганини қилиб бердим».

Муҳаммад ибн Салом Муҳаммад ибн Исмоил «яхши» деган ҳадисни «Йигит рози бўлди» деб, заиф ҳадисларни «Йигит рози бўлмади» деб белгилаб қўйган эди. Баъзи шериклари: «Бу йигит ким?» деб сўраганда, «Мисли йўқ киши, Муҳаммад ибн Исмоил», деб жавоб берар эди.

Абу Ҳомид Аъмаший айтади: «Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийни Абу Усмон Саъид ибн Марвоннинг жанозасида кўрдим. Муҳаммад ибн Яҳё ундан исмлар, кунялар ва ҳадиснинг иллатлари ҳақида сўрар эди. Муҳаммад ибн Исмоил у саволларга ўқдек тез, «Кул хуваллоҳу аҳад»ни ўқигандек жавоб берар эди».

«Тарихи Бағдод» китобида қўйидагилар келтирилади: «Ражо ибн Муражжо Марвазий Бухорийни зиёрат қилганда ундан Айюбнинг ҳадисларидан сўради. Абу Абдуллоҳ жавоб берди. Ниҳоят, Ражо савол сўрашдан тўхтади ва Абу Абдуллоҳга: «Зикр қилмаган нарсамиз қолдимиз?» деди. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ҳадис айта бошлади. Ражо: «Буни ким ривоят қилган?» дер эди. Абу Абдуллоҳ унинг санадини келтирарди. Ўнтадан кўп ҳадисни айтганидан кейин Ражода қаттиқ ўзгариш пайдо бўлди. Абу Абдуллоҳ унинг юзига қараб, ўзгаришни сезди ва гапни тўхтатди. Ражо чиқиб кетганидан кейин Абу Абдуллоҳ: «Мен унга айтганимдан бир неча марта кўпини айтмоқчи эдим. Аммо унга бир нарса бўлиб қолмасин деб, гапдан тўхтадим», деди».

«Тарихи Бағдод» китобида келтирилади: «Бир киши Бухорийдан: «Ёдлаш қобилиятига дори борми?» деб сўради. «Билмайман, – деди у сўровчига қараб. – Ёдлаш учун кишига илмга чанқоқлик ва доимий изланишдан кўра манфаатлироқ нарсани билмайман», деди».

Имом Бухорий: «Менда ўзим санадини билмайдиган ҳадис йўқ. Менда тарихдаги ҳар бир исмнинг қиссаси бор», дер эдилар.

Бир куни Бухорий Найсобурда Исҳоқ ибн Роҳавайҳнинг мажлисида ҳозир бўлди. Исҳоқ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларидан бирини зикр қилди. Унда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан кейин Ато Кайхароний зикр қилинган эди. Исҳоқ: «Эй Абу Абдуллоҳ! Кайхарон нима?» деди. «Ямандаги бир қишлоқ. Муовия ибн Абу Суфён Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан шу кишини Яманга юборган ва Ато ундан иккита ҳадис эшитган эди», деди Бухорий. «Эй Абу Абдуллоҳ! Худди ўша одамларнинг орасида бўлгандексан-а!» деди Исҳоқ.

Абу Ийсо Термизий айтадилар: «Ироқда ҳам, Хуросонда ҳам иллатлар маъносини, тарих ва санадларни билишда Муҳаммад ибн Исмоилдек бирор кишини кўрмадим».

Имом Бухорийнинг фикҳий мазҳаблари ҳақида аҳли илмлар турли фикрлар айтишган.

Имом Бухорий ёшлик чоғларида ҳанафий фикҳини ҳам ўрганган ва бу ҳақда «Аҳли раъйнинг фикрини ҳам ўргандим», деган.

Тожуддин Субкий «Табакотуш-Шофеъийя» китобида, Сиддиқ Ҳасанхон «Абжадул улум»ида ва Ибн Ҳажар ўзининг «Фатхул Борий» асарида имом Бухорийнинг фикҳда шофеъий мазҳабида бўлганларини айтишган.

Ибн Қайюм Жавзия ўзининг «Иълумул-муваққиъийн» китобида ва Ибн Абу Яъло ўзининг «Табакотул Ҳанабила» китобида имом Бухорийни ханбалийлардан, дейишган.

Шайх Тоҳир Жазоирӣ, шайх Муҳаммад Закариё Кандехлавӣ ва бошқалар эса: «Имом Бухорий ўзлари мужтаҳид фақиҳ бўлганлар», дейишади. Ушбу гапни кўпчилик уламолар қўллаб-қувватлашади.

Аллоҳ таоло имом Бухорийга катта фазл ва шараф ато қилди. Илм йўлида қилган хизматлари самараси сифатида у кишининг шуҳратларини бутун дунёга таратди. Имом Бухорий асрлар оша мўмин-мусулмонлар қалбининг тўридан жой олиб, уларнинг мақтовларига ва улуғлашларига мушарраф бўлиб келмоқдалар. У кишининг мақтовида айтилган ва ёзилган гапларни тўлиқ келтиришнинг иложи йўқ бўлса керак. Биз улардан баъзиларини тақдим этиш ила кифояланамиз.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал: «Хуросондан Муҳаммад ибн Исмоилдек киши чиқмаган», деган.

«Тарихи Бағдод» китобида имом Бухорийнинг ўзларидан куйидаги ривоят нақл қилинади: «Басрага кирганимда Муҳаммад ибн Башшорнинг мажлисига бордим. У ичкаридан чиққанида, кўзи менга тушди ва: «Йигит қаердан?» деди. «Бухоро аҳлидан», дедим. «Абу Абдуллоҳни қандай ҳолда тарк қилдинг?» деди. Мен жим қолдим. Асҳоблари унга: «Аллоҳ сизга раҳм қилсин, бу Абу Абдуллоҳнинг ўзи», дейишди. У ўрнидан турди, қўлимдан ушлаб, бўйнимдан кучоқлади ва: «Хуш келибсан, кўп йиллардан буён фахрланиб юрганим!» деди».

Алий ибн Мадийнийга Бухорийнинг «Ўзимни ҳеч кимнинг олдида Алий ибн Мадийний ҳузуридагичалик кичик ҳис қилмаганман» дегани айтилганида, у: «Унинг гапини қўйинглар. У ўзи кабини учратмаган», деган экан. Бухорий Алий ибн Мадийнийнинг ўнг тарафида ўтирар эди. Ибн Мадийний ҳадис айта туриб, худди кўрққандек, Бухорийга қараб-қараб қўяр эди.

Абу Йисо Термизий айтади: «Муҳаммад ибн Исмоил Абдуллоҳ ибн Мунирнинг ҳузуридан тураётганида, у: «Эй Абу Абдуллоҳ! Аллоҳ сени ушбу умматнинг зийнати қилсин!» деди. Аллоҳ унинг дуосини қабул қилди».

Бухорий имом Аҳмад билан видолашиб, Хуросонга кетаётганида у: «Эй Абу Абдуллоҳ! Илмни ва одамларни тарк қилиб, Хуросонга кетмоқдамисан?!» деди.

Яҳё ибн Жаъфар айтади: «Агар қудратим етса, Муҳаммад ибн Исмоилнинг умрини зиёда қилар эдим. Менинг ўлимим бир кишининг ўлими бўлади. Муҳаммад ибн Исмоилнинг ўлими илмнинг кетишидир».

Ҳофиз Ражо ибн Муражжо: «Муҳаммад ибн Исмоилнинг уламолардан афзаллиги эркакларнинг аёллардан афзаллиги кабидир», деди. «Эй Абу Муҳаммад!

Шунчаликми?» деди бир киши. «У Аллоҳнинг ер юзида юрган мўъжизаларидан биридир!» деди у.

Абу Амр Аҳмад ибн Наср Хаффоф: «Ким Муҳаммад ибн Исмоил ҳақида бирор номаъқул нарса айтса, мендан унга минг лаънат бўлсин!» деган.

Абдуллоҳ ибн Ҳаммод Омулий айтади: «Муҳаммад ибн Исмоилнинг кўксидаги бир тук бўлишни орзу қиламан».

Имом Муслим ибн Ҳажжож: «Фақат ҳасадгўйгина сени ёқтирмайди. Гувоҳлик бераманки, дунёда сенга ўхшаш йўқ», деган. Одамлар имом Муслимнинг Бухорий олдида худди шогирд боладек бўлиб савол сўраётганини кўришган.

Ҳусойн ибн Муҳаммад айтади: «Муҳаммад ибн Исмоилга ўхшаганини кўрмаганман. Муслим ҳам ҳофиз Муҳаммад ибн Исмоилга ета олмаган. Абу Зуръа ва Абу Ҳотимларнинг Муҳаммад ибн Исмоил нима деса эшитиб, ёнбошида ўтирганларини кўрганман».

Унга Муҳаммад ибн Яҳёнинг қиссаси айтилганда: «У киму, Муҳаммад ибн Исмоил ким? Муҳаммад ибн Исмоил умматлардан бири бўлган. У бу ишда Муҳаммад ибн Яҳёдан илмли бўлган. Муҳаммад ибн Исмоил ўта диндор ва фозил бўлган. Барча ишларни яхшилаб қилган», деди.

Имом Муслим ибн Ҳажжож Имом Бухорийнинг олдида келиб, икки кўзи орасидан ўпганини ва «Эй устозларнинг устози, муҳаддисларнинг саййиди ва ҳадис иллатларининг табиби! Ижозат беринг! Икки оёғингиздан ўпай!» деганини одамлар кўришган.

Имом Нававий айтадилар: «Билки, Бухорийнинг олий мақоми, бу илмда ўз тенгдошлари ва ўхшашларидан пешқадам эканига ўтгану қолган замондаги барча иттифоқ қилади. Унинг фазли учун уни мақтаган ва яхшиликларини тарқатганларнинг кўпчилиги унинг кўзга кўринган шайхлари ва машҳур шерикларидир.

Унинг фазилатларини санашнинг имкони йўқ. Чунки улар санаш чегарасидан ташқарида ва бир неча турларга тақсимлангандир: ҳифз, англаш, таҳсил, ривоятдаги ижтиҳод, ибодат, зоҳидлик, парҳезкорлик, тадқиқот, пухталиқ, маърифат, ҳолатлар, кароматлар ва бошқалар».

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Бадруддин Айний. Умдатул корий шарҳу Саҳиҳ ал–Бухорий (Саҳиҳул Бухорийни шарҳлашда ўқувчини таянчи) – Байрут: Дор ал–кутуб ал–илмия, 2009. – Б. 566.
2. Абдулхай Лакнавий. Фавоидул баҳия. – Макка: Дор ал–башар исломия, 1982. – Б.87.
3. Имом ал–Бухорий. Ал–адаб ал –муфрад. – Т.: Ўзбекистон, 1990. – Б. 236.
4. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Т.: “Шарк”. 2010. – Б. 280.
5. Саҳиҳул Бухорий: ал–Жомеъ ас–Саҳиҳ 2 китоб. Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал–Бухорий. Абдулазиз Мансур таҳрири остида. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. Т. 1. 712 Б. Т. 2. – Б. 624.
6. Имом ал–Бухорий. Саҳиҳул Бухорий–1. – Т.: Nilol–Nashr, 2012. – Б. 133.
7. Имом ат–Термизий. Сунани Термизийил Т.1. – Т.: Қомус, 1998.
8. Нававий Абу Закариё Яҳё ибн Шараф. Риёзус–солиҳийн. –Т.: Мовароуннаҳр, 2006. – Б. 800.
9. Обидов Р. Суннат, ҳадис ва муҳаддислар. – Т.: Мовароуннаҳр. 2012.– Б. 83.
10. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. – Т.: “Шарк”, 2012. – Б. 662.
11. Абдурроҳман Саховийил Аз–Зовъул Ламиъ ли аҳли қорнит тасиъ. – Байрут.: Дарул кутубил илмийя, 1990. – Б. 455.
12. Бадруддин Айний. Манҳатус Сулук фи шарҳи Тухфатил Мулук. – Байрут.: Дору ихяи туросил аробийя, 1999.